# ПАРВОЗГА ҚАНОТ БАХШ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Капитан Шавкат Арзиқулов мазкур мактабда взвод командири. 2002 йилнинг июнь ойида у АҚШнинг Жоржия штати Колумбос шаҳрида бўлди. У ерда сержантлар тайёрлаш мактабларидаги замонавий тажрибаларни ўрганиш борасида ярим ойлик курсда қатнашди. Гапнинг қолганини ўзидан эшита қолайлик:

— Биз тажриба алмашган мактаб зирҳли танк соҳаси бўйича кичик командирларни тайёрларкан. Яъни, битта мактаб бир ихтисослик борасида профессионалларни етиштиради. Бизда эса кенг кўламда мутахассислар тайёрланади. АҚШдаги мактабнинг афзал томони ҳам шунда — ихтисослашувда. Мерганми — нишонга аниқ урмоғи лозим. Бошқаси билан иши йўқ. Бизда мерганга тарихимиз, маънавиятимиздан ҳам сабоқ бериладики, бу ундаги ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Уларда 4—5 курсантга битта инструктор бириктирилган. Токи сабоғини тўла эгалламагунча, аъло даражада адо этмагунча қайтараверади. АҚШда битирувчиларга сертификатларни тантанали топшириш биздагидек плацда эмас, залда бўларкан. Ўрганган тажрибаларимни қўллашга ҳаракат қилаяпман. Масалан, АҚШдагидек курсантлар орасидан инструктор сайлаб, бир-бирига бириктириб қўяман. Полигонда амалий машғулотларда, бу айниқса, асқотаяпти. Курсант-инструкторлар полигондаги ўқув нуқталарида тактик машғулотлар ўтишади.

Хўш, илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш қай даражада ўзини оқлаяпти?

Капитан Ш. Арзиқуловнинг взводи сержантлар тайёрлаш мактабидаги энг катта жамоалардан. Масалан, катта ошпаз ихтисослигини эгаллаган курсантлар давлат имтиҳонларидан олдин бўлиб ўтган уч кунлик дала машғулотларида сержантлар тайёрлаш мактаби курсантларини овқат билан таъминлашди. Яъни, дала шароитида овқат пишириш, дала ошхонасини маскировка қилиш, уларни қўриқлашни ташкиллаштириш синовдан ўтди. Айниқса, имтиёзли сертификатга эга бўлишган— Шерзод Хўжақулов, Жаҳонгир Очилов, Махмараҳим Ҳамроев каби кичик командирларнинг билими, тажрибаси юқори баҳоланди.

Танк ҳайдовчилари гуруҳи ҳужумга ўтиш, мудофаа чизиғини эгаллаш, ноқулай рельефли жойда жанговар машинани бошқариш каби машқларни юксак даражада бажаришиб, ишончни оқлашди. Жаҳонгир Хўжақулов, Баҳодир Маҳрамов, Қаҳрамон Донишев, Илҳом Турматов каби танкчи курсантлар бунда етук кичик командирлар сифатида шаклланишаётганини исботладилар.

Автомобиль техникаси билан таъминлаш гуруҳининг шунқорларидан—Ахтам Салоҳиддинов, Шерзод Элмуродов, Шуҳрат Рўзибоев, Олим Эргашев, Ғулом Соатовларнинг маҳоратларини ҳам таъкидлаш жоиз. Бир нарсани айтиш лозим, дала-ўқув машғулотларида курсантларнинг ўзлари инструктор, ўзлари машқни бажарувчи бўлишди. Устоз офицерлар фақат кузатувчи сифатида иштирок этдилар. Бу кичик командирларнинг профессионаллар сифатида қанчалар шаклланишганини кўрсатишга қулай имкон.

Тактик машғулотлар ҳам барчанинг диққат марказида бўлди. Аввало жамоалар таркиби тоғ баландликларига чиқиб, блок постлар ташкил қилишди. Сўнгра ҳар қайси алоҳида-алоҳида координатларни эгаллашди. Айниқса, разведкачиларнинг бу ўриндаги маҳоратини таъкидлаш жоиз. Шартли душман билан тўқнашувда ярадор бўлганларни тоғ тепасидан пастга эвакуация қилиш тез, аниқ бажарилди. Курсантлар жанговар вазифаларни шунчалик аниқ, ишончли адо этишдики, четдан қараган одам барини табиий, худди ҳақиқий жангдагидек қабул қилади.

Дарвоқе, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Бахтиёр Ҳамроев ҳам уч ой Чехияда бўлиб, сержантлар тайёрлаш мактабларининг илғор тажрибалари билан ўртоқлашиб қайтган. Албатта, илғор тажрибаларни ўрганиш, уни қўллашда гап кўп. Биз ҳикоя қилаётган взвод курсантларининг 25 фоизи яқинда бўлган битирувда имтиёзли сертификат олишгани ҳам фикримиз исботидир. «Гап фақат бунда ҳам эмас, жамоамиз курсантларининг ярмидан кўпроғи бевосита ҳарбий қисмда хизмат қилаётган, ҳатто ўн йиллаб тажрибаси бор кичик командирлар эди», дея капитан Арзиқулов ютуқларнинг яна бир омилини баён этади. Демак, мактаб қўмондонлиги курсантлар қабул қилишда танловга жиддий эътибор беради, дегани бу. Асл профессионал бўлишга, ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилганларни сафларига олади, дегани бу.

Биз фақат бир взвод мисолида фикр юритаяпмиз. Хориж тажрибаларини ўрганиш учун подполковник Сейфат Сулеймонов, майор Толибжон Мансуров, капитан Авазбек Тожиқуловлар ҳам турли мамлакатларда бўлиб қайтишди. Тажрибаларни ўртоқлашиш фақат бир томонлама эмас. Ўтган йил Англиядаги сержантлар тайёрлаш мактаби вакиллари мазкур ўқув масканига келишди. Курсантларимиз ҳамкорларига, улар эса курсантларимизга ўз тактикаларини намойиш этишди. Илғор жиҳатларни ҳар иккала томон ўзлаштирди.

Яқиндаги битирув натижалари янада қувонарли. Йилдан-йилга ўсиш бор. 80 фоиздан зиёд курсантлар ушбу масканни аъло ва яхши баҳога тугаллашиб, етук кичик командирлар бўлишди. Ҳарбий бошқарувнинг қуйи бўғинига шунча малакали мутахассислар йўл олди. Профессионал бўлишга қарор қилган ўғлонларга парвоз учун қанот бахш этадиган бу маскандан ана шундай таассуротлар билан қайтдик.

Телевизор орқали Президентимизнинг водий сафари, айниқса, сержантлар тайёрлаш мактабига ташрифини, бўлғуси профессионаллар билан суҳбатини кўриб, эшитиб, хаёлимдан кўп фикрлар кечди. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий бошқарувнинг қуйи бўғинига бежиз эътибор берилмаяпти. Аскар қалбига тўғридан-тўғри йўл топадиган, офицер-командирлар билан ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган аслида сержантлар-да. Шу боис ҳам улар армиямиз суянчи, таянчи. Демак, сержант асл профессионал бўлса, эгаллаган соҳасини касб деб билса, қўл остидаги аскарни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялайди. Шу маънода сержантлар тайёрлаш мактаблари кичик командирларни замонавий талаблар асосида камолга етказаяпти. Сержант ҳақидаги эскича тушунчаларга барҳам бериб, бугунги сержантлар мисолида асл ватанпарварларни, профессионалларни шакллантираяпти.

Капитан
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



СУРАТЛАРДА: 1. Майор У. Сиддиқов курсантларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан билимини текширмоқда.

2. Капитан С. Обидов бўлғуси профессионални алоқа илми бўйича синаб кўрмоқда.

Александр МРУЧАК
суратга олган.

● ВСЛЕД ЗА СОБЫТИЕМ

# ИНТЕРЕСНО И ПОУЧИТЕЛЬНО

**Так было оценено показное занятие для руководящего состава Вооруженных Сил, проведенное на базе части, где командиром подполковник Илимдар Ильясов. В полном объеме для участников занятия был показан порядок хранения вооружения и военной техники, снятия ее с краткосрочного хранения, а также выдвижения в указанный район по тревоге.**

Руководителем данного занятия, начальником Главного управления вооружения Министерства обороны полковником Ильмиром Шайхутдиновым, офицерами технических служб Министерства обороны и округа была проведена большая подготовительная работа, обеспечившая успех.

На учебном месте, где показывался порядок осмотра вооружения и техники должностными лицами части, плодотворно потрудились подполковники Э. Камолов, О. Кислов и М. Курбанов.

На втором учебном месте разъяснялись правила содержания вооружения и техники на хранении — здесь пригодились методические знания подполковников В. Исакова, М. Ахмедова и К. Бурханова.

С возможностями ремонтных средств части участников занятия ознакомили на третьем учебном месте — по ракетно-артиллерийскому вооружению доложил подполковник Э. Камолов, бронетанковой технике — подполковник Э. Абдусаттаров, автомобильной — подполковник А. Васиков.

И наконец, на завершающем этапе был показан порядок выхода по тревоге — здесь руководил командир части подполковник И. Ильясов. Реально отрабатывался порядок прибытия личного состава в парк боевых машин, подготовки техники и вооружения к движению, выход колонн автомобильной и бронетанковой техники в указанный район по тревоге.

Комментируя итоги показного занятия, на котором присутствовали командующие войсками военных округов, командиры частей и учреждений, заместитель командующего ЮЗОВО по вооружению полковник Алижон Собиров подчеркнул:

— Личный состав части в ходе отработки изучаемых вопросов еще раз показал образцовое отношение к технике, высокий уровень боевой готовности. Если этот передовой опыт будет активно внедряться в войсках, это поможет повысить уровень боевой выучки наших Вооруженных Сил.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ЁЗГИ ЎҚУВ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

# ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР

Капитан Руслан Бобожонов етакчилигидаги дивизион шунқорлари синов машғулотлари натижаларига кўра жамоада етакчи ўринни эгаллашди. Кўрсаткичлар кутилганидек бўлди. Бундай дейишимизга сабаб, Руслан бошчилигидаги артиллериячилар биринчи бора ютуқлар чўққисини забт этиши эмас.

Табиийки, ҳар бир жамоанинг илғорлиги аввало унинг командирига боғлиқ. Ана шу омил бўйича ёндашар эканмиз, калаванинг учини топгандек бўлдик.

Руслан 1997 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаган. Тез орада муайян тажриба, малака тўплаб, эътибор қозонган бу ёш офицерни 2001 йилда қолоқ дивизионга командир этиб тайинлашди. Қолоқлик сабабини таҳлил қилган командир жамоада интизом бўшашганини, кун тартибига, низом талабларига риоя қилинмаслигини билди. Шу боис, ёш офицер аввало муҳитни янгилади. Кичик командирлар таркиби билан яқиндан иш олиб борди. Аскарлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказди. Сафлар навбатдаги чақирув ҳисобига тўлгач, ёш посбонлар билан жиддий ишлади. Улар орасида низомга зид иллатлар урчишига йўл қўймади. Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар танлашда ҳам янглишмаган экан. Катта лейтенант Улуғбек Муталов бу борада командирга яқин ёрдамчи бўлди.

Дивизион посбонлари қишки мавсум синов машғулотлари олдидан полигонда дала-ўқув машғулотларида бўлишди. Айниқса, катта лейтенант Азамат Қаршиев командирлигидаги батарея юксак натижаларни қўлга киритди. Тактик-ўқув машқлари моҳиятига кўра, шартли душманнинг алоҳида-алоҳида гуруҳлари, миномёт секциялари, пулемёт расчётларига зарба бериш лозим. Дивизион разведка хизматининг бошлиғи катта лейтенант Отабек Холбоев бошчилигидаги разведкачилар координатларни, шартли душман эгаллаган марралар ҳақидаги маълумотларни артиллериячиларга етказишди. Шартли равишда олинган жанг тоғли ҳудудда кечаётгани боис бир оз мураккаблик туғдирди. Аммо посбонларимизнинг аниқ тактик-топографик маълумотлари тоғ ёнбағрида ҳаракатланаётган душманни тор-мор этишда роса асқотди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг баридан жамоанинг жанговар шайлиги юксак эканлигини англаса бўлади.

Шу ўринда капитан Бобожонов хусусида бир оз маълумот берсак. Руслан Хоразмнинг Урганч шаҳридан. Ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейни тугатиб, билим юртига ўқишга кирганди. Мана, бугун у Қуролли Кучларимизнинг умидли офицерларидан. Дарвоқе, унинг рафиқаси Умида Бобожонова ҳам ҳарбий. Яъни, шартнома бўйича хизмат оддий аскари. Умида жамоадаги энг моҳир алоқачилардан. Ҳарбий оила қиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Ҳадемай бошланажак янги ўқув мавсумига жамоа аллақачон шай. Айниқса, посбонлар ўз вақтида техникани мавсумга шайлашди. Бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам шайлик юқори дейишга асос бор.

— Катта лейтенант Азамат Қаршиев, лейтенант Камолиддин Отабуллаевлар етакчилигидаги батареяларнинг ёзги мавсумга тайёргарлигидан кўнгил тўлади. Бундан ташқари, бу борада шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Жўрабек Расулов, Сирожиддин Бегимқулов, оддий аскарлар— Шукур Маткаримов, Исомиддин Каримов, Акмал Зоидов, Азимжон Алибековларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўқув йилини жамоада ғолиб сифатида якунлашга сўз берганмиз, устидан чиқишга ҳаракат қиламиз. — дейди капитан Р. Бобожонов.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

